

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**516** Техник кўмаклашиш маблағларини жалб этиш жараёнини такомиллаштириш учун лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиш ва келишиш тартиби жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Техник кўмаклашиш маблағларини жалб этиш, мониторинг олиб бориш ва ўзлаштиришни мувофиқлаштириш жараёнини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 8 ноябрь,  
319-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2012 йил 8 ноябрдаги 319-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Тендер савдоларини ташкил этишни та-комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 11-сон, 72-модда):

а) 1-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Давлат бюджети, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукуматининг қарорларига мувофиқ ташкил этилган давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар ҳамда донор мамлакатлар, халқаро, хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлар билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукумати томонидан тузилган шартномалар доирасида бериладиган хорижий грантлар маблағлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси кафолати остида бериладиган хорижий кредитлар ҳисобига молиялаштирилладиган ва битта контракт бўйича қиймати 100 минг АҚШ долларига тенг миқдордан ортиқ бўлган импорт қилинадиган ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар тендер асосида харид қилинади»;

б) тўртинчи хатбоши қуйидаги тахрирдаги учта хатбоши сифатида баён қилинсин:

«Қуйидаги ҳолларда, агар:

товарлар (ишлар, хизматлар) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ харид қилинаётган бўлса;

донор мамлакатларнинг, тегишли халқаро, хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларнинг тартиботларида ёки Ўзбекистон Республикаси кафолати остида хорижий кредитлар бериш ва хорижий грантлар бериш шартларида ўзгача ҳол белгиланган бўлса, тендерлар ўтказилмайди.

в) иловада 2 ва 3-бандлар қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«2. Низом:

Давлат бюджети маблағлари;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукуматининг қарорларига мувофиқ ташкил этилган давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар;

донор мамлакатлар, халқаро, хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлар билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукумати томонидан тузилган шартномалар доирасида бериладиган хорижий грантлар;

Ўзбекистон Республикаси кафолати остида бериладиган хорижий кредитлар ҳисобига молиялаштирилладиган импорт қилинадиган ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган хом ашё, материаллар, бутловчи буюм-

лар ва асбоб-ускуналарни харид қилиш юзасидан тендер савдолари (кейинги ўринларда «тендерлар» деб аталади) ўтказишни ташкил этиш механизмини белгилаб беради.

3. Ушбу Низомнинг амал қилиши:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорларга мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилишга;

агар донор мамлакатларнинг, тегишли халқаро, хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларнинг тартиботларида ёки Ўзбекистон Республикаси кафолати остида хорижий кредитлар бериш ва хорижий грантлар бериш шартларида товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилишнинг ўзгача тартиби белгиланган бўлса, татбиқ этилмайди».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Инвестиция лойиҳаларини тасдиқлаш ва амалга ошириш мониторинги механизмларини такомиллаштириш, мурувват ёрдами юқларини ва техник қўмаклашиш маблағларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 15 ноябрдаги 251-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 11-сон, 61-модда):

а) 1-банднинг тўртинчи хатбоши қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиш ва келишиш, шунингдек техник қўмаклашиш маблағлари мониторинги ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин»;

б) 4-илова матни қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

**«Лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиш ва келишиш,  
шунингдек техник қўмаклашиш маблағлари мониторинги ва  
улардан мақсадли фойдаланилишини назорат  
қилиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиш ва келишиш, шунингдек донор мамлакатлар, халқаро, хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларнинг (кейинги ўринларда донорлар деб аталади) техник қўмаклашиш маблағлари мониторинги ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартибини белгилайди.

2. Техник қўмаклашиш — бу асбоб-ускуналар ва технологиялар харид қилиш, тажриба-конструкторлик ишларини, илмий ёки бошқа тадқиқотларни амалга ошириш, даволаш, ўқитиш, ходимлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, маслаҳат хизматлари кўрсатиш ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа мақсадлар учун донорлар томонидан натура тарзидаги грантлар ва пул шаклида бериладиган мақсадли маблағлардир.

3. Донорларнинг техник қўмаклашиш маблағлари ҳисобига амалга оши-

риш назарда тутилаётган лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиш ва келишиш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

4. Донорларнинг техник кўмаклашиш маблағларидан мақсадли фойдаланилиши мониторинги ва назорат қилиш ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

## II. Лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиш ва келишиш

5. Ҳар йили 31 майдан кечикмасдан Иқтисодиёт вазирлиги томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда келгуси йилда донорлар томонидан молиялаштириш назарда тутилаётган техник кўмаклашишнинг устувор лойиҳалари рўйхати тайёрланади ҳамда Молия вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан келишган ҳолда кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

6. Ҳар йили 25 январдан кечикмасдан Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги томонидан бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда жорий йилда амалга ошириш учун донорлар билан олдиндан ишлаб чиқилаётган лойиҳалар рўйхати тайёрланади ва кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

7. Янги лойиҳа таклифини ушбу Низомнинг 5 ва 6-бандларида кўрсатиб ўтилган рўйхатларга киритиш учун лойиҳа ташаббускори бўлган вазирлик ёки идора ёхуд техник кўмак олувчи (ижро этувчи агентлик) лойиҳа таклифини (ўзбек/рус ва инглиз тилларида) ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича Лойиҳа таклифи паспортини илова қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига ҳамда Иқтисодиёт вазирлигига киритади.

Донорнинг ўзи лойиҳа ташаббускори бўлган тақдирда у Ўзбекистон Республикаси ҳудудида донорнинг /донор вакилининг фаолиятини мувофиқлаштириш учун масъул бўлган вазирлик ёки идора/донор орқали (бундай вазирлик ёки идора бўлмаган тақдирда — бевосита Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига) лойиҳа таклифини ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича Лойиҳа таклифи паспортини илова қилган ҳолда, кейинчалик кўриб чиқиш учун Иқтисодиёт вазирлигига ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига юбориш учун, тақдим этади.

Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги лойиҳа таклифи олингандан кейин ўн кун муддатда, таҳлил ўтказиш асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига лойиҳа таклифини кўрсатиб ўтилган рўйхатларга киритишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса тақдим этади.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ёки Иқтисодиёт вазирлиги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида донор фаолияти-

ни мувофиқлаштириш учун масъул вазирлик/донорнинг вакили ҳисобланган тақдирда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ёки Иқтисодиёт вазирлиги лойиҳа таклифи билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига лойиҳа таклифини кўрсатиб ўтилган рўйхатларга киритишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса тақдим этади.

Зарур бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тақдим этилган лойиҳа таклифларини кўриб чиқиш учун лойиҳани амалга оширишнинг мўлжалланаётган соҳасига алоқадор бўлган бошқа вазирликлар ва идораларни жалб қилишга ҳақлидир.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги барча хулосалар олингандан кейин бир ҳафта муддатда:

ижобий хулосалар мавжуд бўлган тақдирда лойиҳа таклифини кўриб чиқиш ва юқорида кўрсатиб ўтилган рўйхатларга киритишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида қарор қабул қилиш учун умумлаштирилган хулосани Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

лойиҳани амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги масаласида манфаатдор вазирликлар ва идоралар ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда вазирликлар ва идораларнинг умумлаштирилган фикрини у ёки бу лойиҳани техник қўмаклашиш лойиҳалари рўйхатига киритишга доир узил-кесил қарор қабул қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

лойиҳа ҳужжатини пухталаштириш зарур бўлганда уни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида донорнинг/донорнинг вакили фаолиятини мувофиқлаштириш учун масъул бўлган вазирлик ёхуд идора орқали лойиҳа ташаббускорига/ижро этувчи агентликка, бундай вазирлик ёки идора бўлмаган тақдирда — бевосита донорга қайтаради.

9. Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори олингандан кейин уч кун муддатда:

лойиҳа ташаббускорини/ижро этувчи агентликни қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилади;

ижобий қарор қабул қилинган тақдирда лойиҳа таклифини (ўзбек/рус ва инглиз тилларида) кейинчалик донорлар билан ишлаб чиқиш ва келишиш учун Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига, Ташқи ишлар вазирлигига ва халқаро молия институтларида Ўзбекистон Республикасидан бошқарувчилар офисларига юборади;

донорнинг ўзи лойиҳа ташаббускори бўлган тақдирда уни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида донорнинг/донор вакилининг фаолиятини мувофиқлаштириш учун масъул бўлган вазирлик ёки идора орқали, вазирлик ёки идора бўлмаган тақдирда эса — бевосита донорни қабул қилинган қарор тўғрисида, қарор ижобий бўлган тақдирда лойиҳани Ўзбекистон томонидан амалга ошириш бўйича тайинланган ижро этувчи/биргаликда ижро этувчи агентлик тўғрисида хабардор қилади. Ўзбекистон томонидан ижро этувчи/биргаликда ижро этувчи агентликнинг мавжуд бўлиши Ўзбекистон Респуб-

ликаси худудида барча техник кўмаклашиш лойиҳаларини амалга оширишнинг мажбурий шартни ҳисобланади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари техник кўмаклашиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш тартибига риоя этилиши учун шахсан жавоб берадилар.

### **III. Техник кўмаклашиш лойиҳаларини амалга ошириш мониторинги**

10. Техник кўмакни олувчи вазирлик ёки идора (ижро этувчи агентлик) донор томонидан техник кўмаклашиш гранти маъқулланиши тўғрисида ижобий қарор қабул қилингандан кейин икки ҳафта муддатда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш департаментига (кейинги ўринларда Молия вазирлигининг департаменти деб аталади) Молия вазирлиги билан келишилган ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекси раҳбари томонидан тасдиқланган:

а) техник кўмаклашиш лойиҳасини амалга ошириш тадбирлари режасини;

б) грант маблағларини ўзлаштириш жадвалини;

в) техник кўмаклашиш лойиҳаси доирасида харид қилиш ва/ёки етказиб бериш мўлжалланаётган асбоб-ускуналар, товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатини;

г) лойиҳани амалга ошириш тўғрисидаги имзоланган битим нусхасини тақдим этади.

11. Вазирликлар, идоралар ва Ўзбекистон Республикаси минтақалари бўйича ахборотларни туркумлаш ва техник кўмаклашишдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳар чоракда ҳисобот чораги охири ойнанинг 25-кунидан кечикмай Молия вазирлигининг департаментига техник кўмакни олувчилар тўғрисидаги маълумотларни белгиланган шакл бўйича тақдим этади (ушбу Низомга 4-илова).

12. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги донорлар жалб этилиши ва лойиҳани амалга ошириш давомида улар томонидан мажбуриятлар бажарилишининг доимий мониторингини олиб боради.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги донорлар томонидан техник кўмаклашиш лойиҳаларини молиялаштириш юзасидан қабул қилинган қарорлар тўғрисида Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига тушаётган маълумотлар ҳақида ўз вақтида Молия вазирлигининг департаментига хабар беради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар чоракда, ҳисобот дав-

ридан кейинги ойнинг 27-қунидан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига ҳамда Вазирлар Маҳкамасига донорларни жалб этиш ва Ўзбекистон Республикасида техник кўмаклашиш лойиҳаларининг амалга оширилиши тўғрисидаги таҳлилий материалларни тақдим этади.

13. Грант маблағлари ҳисобига товарлар (ишлар ва хизматлар) сотиб олиш донорлар томонидан белгиланган тартиботларга мувофиқ тендер асосида амалга оширилади ва улар учун ҳақ, қоидага кўра, уларнинг қароргоҳларида очилган тегишли ҳисоб рақамларидан тўғридан-тўғри тўланади. Грант маблағлари Ўзбекистон Республикасида оловчилар ҳисоб рақамларига уларнинг фақат Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банкида махсус очилган ҳисоб рақамларига тушади.

14. Донорларнинг техник кўмаклашиш лойиҳалари доирасида Ўзбекистон Республикасида олиб келинаётган товарларни божхонада расмийлаштириш ушбу лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисида тузилган шартномаларга ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ижро этувчи агентликлар уч кун мобайнида Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига ва Молия вазирлигининг департаментига донорларнинг техник кўмаклашиш лойиҳаларини амалга ошириш доирасида олиб келинаётган товарлар тушганлиги тўғрисида ахборот беради.

Давлат божхона кўмитаси томонидан товарлар донорларнинг техник кўмагига тегишлилиги тўғрисидаги хулоса зарурлиги баён қилинган тақдирда божхонада расмийлаштириш мақсадида ижро этувчи агентликларга ушбу хулоса Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида техник кўмаклашиш лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисида тузилган тегишли шартномаларни таҳлил қилиш асосида берилади.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги берилаётган хулосаларнинг ҳисобга олиниши ва уларнинг донорлар билан тузилган шартномаларига мувофиқлиги учун жавоб беради.

15. Техник кўмаклашиш лойиҳалари тугаллангандан кейин ижро этувчи агентликлар бир ой муддатда Молия вазирлигининг департаментига ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига лойиҳанинг эришилган мақсадларини, иқтисодий, ижтимоий ва/ёки илмий самарасини, балансга қабул қилинганлиги ва етказиб берилган моддий-техника воситаларидан фойдаланиш йўналишларини акс эттирувчи техник кўмаклашиш лойиҳаси амалга оширилганлиги тўғрисидаги ижро этувчи агентликнинг раҳбари томонидан тасдиқланган яқунловчи ҳисоботни, шунингдек лойиҳа натижаларини қўллашга доир чора-тадбирлар режасини тақдим этади.

16. Ушбу Низомнинг 10 ва 15-бандларида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тақдим этилиши учун масъулият ижро этувчи агентлик раҳбарига юкланади.

#### **IV. Грант маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш**

17. Грант маблағларини ўз вақтида ўзлаштириш ва улардан мақсадли фойдаланиш учун масъулият ижро этувчи агентлик раҳбари зиммасига юкланади.

18. Техник кўмаклашиш лойиҳалари амалга оширилиши ижро этувчи агентликлар ва манфаатдор томонларнинг вакиллари таклиф этилган ҳолда ҳар чоракда камида бир марта Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Молия вазирлигининг департаменти томонидан кўриб чиқилади.

19. Грант маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини назорат қилишни кучайтириш мақсадида Молия вазирлиги техник кўмаклашиш лойиҳалари амалга оширилиши бўйича ижро этувчи агентликлар фаолиятини белгиланган тартибда текшириш учун Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар вакилларида иборат ишчи гуруҳлар ташкил этишга ҳақлидир.

20. Ижро этувчи агентликлар томонидан грант маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш, шунингдек юқори ташкилотлар томонидан зарурат бўлганда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси билан биргаликда амалга оширилади.

Техник кўмак олган бюджет ташкилотлари белгиланган тартибда Фазначиликка, давлат солиқ хизмати органларига грант маблағларидан фойдаланилишини акс эттирувчи ҳисоботни, шу жумладан пул шаклида кўмак олган бюджет ташкилотлари — бюджет маблағларидан фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисобот сингари ҳисоботни тақдим этадилар.


21. Лойиҳани амалга ошириш жадвалидан орқада қолиш, грант маблағларидан самарасиз ва бошқа мақсадда фойдаланиш ҳоллари аниқланган тақдирда Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ахборот-таҳлил департаментига уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар киритади.

Техник кўмаклашиш маблағларидан бошқа мақсадларда фойдаланишда, шунингдек техник кўмаклашиш маблағларидан мақсадли фойдаланиш мониторинги олиб борилиши ва назорат қилиниши тартибини бузишда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.



Низомга  
1-ИЛОВА


**Донорларнинг техник кўмаклашиш маблағлари ҳисобига  
амалга ошириш назарда тутилаётган лойиҳа таклифларини  
ишлаб чиқиш ва келишиш  
СХЕМАСИ**



1. Келгуси йилда донорлар томонидан молиялаштириш назарда тутилаётган техник кўмаклашишнинг устувор лойиҳалари рўйхати
2. Жорий йилда амалга ошириш учун донорлар билан олдиндан ишлаб чиқиладиган лойиҳалар рўйхати
3. Лойиҳа таклифи паспорти илова қилинган лойиҳа таклифи
4. Лойиҳа таклифи бўйича хулоса
5. Тақдим этилган лойиҳа таклифини рўйхатларга киритишнинг мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун умумлаштирилган хулоса
- 5а. Лойиҳа ҳужжатини пухталаштириш
6. Лойиҳа таклифини рўйхатларга киритиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги қарор
7. Қабул қилинган қарор тўғрисида хабар бериш
- 7а. Қабул қилинган қарор ва тайинланган ижро этувчи агентлик тўғрисида хабар бериш
- 7б. Кейинчалик донорлар билан ишлаш учун лойиҳа таклифи

Низомга  
2-ИЛОВА

**Донорларнинг техник кўмаклашиш маблағларидан мақсадли фойдаланилиши мониторинги ва назорат қилиш СХЕМАСИ**



**мониторинг**

1. Донор томонидан техник кўмаклашиш лойиҳасини молиялаштириш тўғрисида қарор қабул қилиниши.
2. Молия вазирлиги билан келишилган ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекси раҳбари томонидан тасдиқланган техник кўмаклашиш лойиҳасини амалга ошириш тadbирлари режаси ва грант маблағларини ўзлаштириш жадвали.
3. Техник кўмак олувчилар тўғрисидаги маълумотлар.
4. Техник кўмаклашиш грантлари бўйича Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган шакллар бўйича ҳисобот олиш.
5. Умумлаштирилган йиғма ахборот тақдим этиш.
- 5a. Техник кўмаклашиш маблағларининг тушиши ва ўзлаштирилиши тўғрисида йиғма ахборот.
6. Донорлар жалб этилиши ва лойиҳани амалга ошириш давомида улар томонидан мажбуриятлар бажарилишининг доимий мониторинги.
- 6a. Лойиҳа амалга оширилишининг, техник кўмаклашиш маблағлари ўзлаштирилиши ва улардан мақсадли фойдаланилишининг доимий мониторинги.
- 6б. Лойиҳани амалга ошириш жадвалидан орқада қолиш ҳолларини бартараф этиш юзасидан таклифлар.
7. Товарларнинг келиб тушиши тўғрисида ахборот.
8. Товарларни божхонада расмийлаштириш.
9. Лойиҳанинг амалга оширилиши тўғрисида якуний ҳисобот.

**назорат**

10. Грант маблағларидан фойдаланилишини назорат қилиш.
- 10a. Текширишлар натижалари тўғрисида ахборот тақдим этиш.

Низомга  
3-ИЛОВА

### Лойиҳа таклифининг ПАСПОРТИ

---

(лойиҳанинг номи)

Ариза берган ташкилот:

- номи ва реквизитлари
- фаолиятининг асосий тури
- илгари амалга оширилган лойиҳалар

Лойиҳанинг мақсади:

Лойиҳанинг вазифалари:

Кутилаётган натижалар ва лойиҳани амалга ошириш самараси:

Лойиҳа доирасида назарда тутилаётган тадбирлар:

Лойиҳани амалга ошириш назарда тутилаётган муддат:

Лойиҳанинг умумий суммаси:

Берилаётган грант суммаси:

Кутилаётган харажатлар тоифаси:

- жорий харажатлар
  - асбоб-ускуналар
  - ўқитиш
  - маслаҳат хизматлари
  - бошқа харажатлар
- (номи кўрсатилсин)

Алоқа қилиниладиган шахс:

- Ф.И.О.
- лавозими
- телефони
- электрон почта манзили

Лойиҳа амалга ошириладиган минтақа:

Низомга  
4-ИЛОВА

**Донорларнинг техник кўмагини олувчилар тўғрисидаги  
МАЪЛУМОТЛАР**  
20\_\_ йил \_\_ чораги учун

Маблағларни олувчи	Грантнинг тартиб рақами ёки коди	Грантнинг номи	Донорнинг номи	Грант маблағларидан фойдаланиш бошланган сана	Грант суммаси (минг АҚШ доллари)
1	2	3	4	5	6

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар,  
инвестициялар ва савдо вазири

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_».